

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08. 2017. S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ ТУХТАМИШ АЪЗАМОВИЧ

ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ СИЁСИЙ ДИСКУРСИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МИСОЛИДА)

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Азизов Тухтамиш Аъзамович

Фавқулодда экологик вазиятларни бартараф этишга доир давлат
сиёсатининг сиёсий дискурси (Ўзбекистон ва Россия мисолида) 3

Азизов Тухтамиш Аъзамович

Политический дискурс в государственной политике при чрезвычайных
экологических ситуациях (на примере Узбекистана и России) 21

Azizov Tukhtamish Azamovich

Political discourse of the state policy in emergency environmental situations
(on the sample of Uzbekistan and Russia) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08. 2017. S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ ТУХТАМИШ АЪЗАМОВИЧ

ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ СИЁСИЙ ДИСКУРСИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МИСОЛИДА)

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Siyos12 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://nuu.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ибодулла
сиёсий фанлар доктори, профессор

Файзиев Шухрат Хасанович
юримдик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. (DSc)

А.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида техноген ва антропоген омиллар туфайли юз бераётган иқлим ўзгариши атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби жиддий экологик муаммолар, баъзида эса фалокатга ҳам олиб келмоқда. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб дунё давлатлари ўртасида сиёсий ва иқтисодий устунликка эришиш мақсадида саноат ишлаб чиқаришининг кенгайтиши ва энергияга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши фавқулодда экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда экологик инқироз глобал аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, глобал экологик инқироз, хусусан, фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисидаги сиёсий дискурс, инсоният жамиятининг замонавий цивилизация шароитида омон қолиши контекстида тобора долзарблашиб бормоқда.

Дунёдаги давлатлар томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларни самарали ҳал этиш учун сиёсий бирдамлик тамойилларига таянувчи қонуний асоснинг яратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Экологик муаммонинг долзарблиги ва заруриятини инобатга олиб, МДХ мамлакатларининг экологик фавқулодда вазиятлар борасидаги дискурси, жумладан, Ўзбекистон ва Россия каби стратегик ҳамкорлар ўртасида атроф-муҳит сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун икки давлатнинг фавқулодда экологик вазиятларда фаолият юритиши ва муаммоларни ўрганиш борасидаги сиёсий-ҳуқуқий, илмий-назарий асосларини концептуал ва методологик жиҳатдан мувофиқлаштириш зарур. Ушбу муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш мамлакатлар ўртасидаги экологик муаммоларни бартараф этишда самарали ҳамкорлик қилишга имкон яратади. Шу билан бирга, мавзунинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистонда экологик хавфсизлик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айниқса, сўнгги йилларда минтақавий ва халқаро ташкилотлар минбарларидан «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб келинмоқда»¹. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021-йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «атроф-муҳитга, аҳоли соғлиғига ва генофондига зарар етказиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг олдини олиш»² масаласи илгари сурилган. 2018 йили экологик сиёсат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида тўпланган тажрибалар асосида янги «Ўзбекистон экологик партияси» ташкил этилди. «Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамланишига хизмат қилади»³. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Сайт: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси Сайт: <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг қайта ташкил этилганлиги ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тизимининг самарадорлигини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йилдаги ПФ-5066-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилдаги 142-сон «2013-2017- йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йилдаги ПФ-5024-сонли Фармони ҳамда бошқа сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши, яъни: I. «Ахборотлаштирилган жамиятнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланиши ва демократик давлатнинг инновацион ғояларини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экология муаммоси, инсон, жамият ва давлатнинг экологик маданияти кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар, яъни, фалсафа, социология, антропология, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, этика, геронтология ва хусусан, экология, ижтимоий экология ва сиёсий экологиянинг мавзуси ҳисобланади.

Марказий Осиё халқларининг маданий ёдгорлиги бўлган «Авесто»⁴ экологик масалаларга оид мавжуд муаммоларнинг чуқур тарихий илдизларга эга эканлиги ҳақида илмий-назарий жиҳатдан хулоса қилиш имконини беради. Қолаверса, инсоннинг табиат ва атроф-муҳитга бўлган муносабати Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Греция (Юнонистон), Миср, Бобил ва бошқа халқларнинг ёзма ёдгорликларида ҳам ёритилган, аммо атроф-муҳит масалалари бўйича мавжуд адабиётларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, экологик сиёсатнинг асосий қоидалари тадқиқига бағишланган илмий ишлар етарли эмас.

Экологик инқироз муаммоларини ўрганиш XX асрнинг 70-йилларида асосий ўринда бўлгани ҳолди, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни сиёсий-фалсафий ўрганиш XX аср бошига тўғри келади, дейиш мумкин,

⁴ Бойс М. Зароострийцы. Верования и обычаи – М.,1988; «Авеста». отв.ред. Жураев Н.К. //– Ташкент, 2015.; Жураев Н.К. Тафаккурдаги эврилиш.,- Т.: - «Шарк». 2001.;Тарих фалсафасининг назарий асослари.- Т.: «Маънавият».2014; Ретвеладзе Э.В. Зароастризм в Бактрии. // «Авеста» и ее место в истории развития человечества. – Ташкент – Ургенч, 2001. Махмудова Г. Философская сущность «Авесты» – Т.: Санъат. 2001.

хусусан, М.Хайдеггер, О.Шпенглер, Н.Бердяев асарларида техника тараққитининг инсон ва жамиятга салбий таъсири таҳлил қилинган.

Инсоннинг яшаш майдони, яъни «ноосфера» диний-утопик шаклда Тейар де Шарден, Э.Леруа ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган. Рус геополитик мактабининг намояндalари бўлмиш Л.Н. Гумилев, П.Савицкий, В.И.Вернадский, Н.Моисеев ва бошқалар маълум даражада сиёсий экология пойдеворига асос солишди. Сиёсий экологиянинг турли жиҳатлари ўрганиб келинишига қарамай, атроф-муҳит сиёсатини баҳолаш, бошқариш ва назорат қилиш масалалари замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида экология, хусусан, экологик сиёсат, унинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларига доир масалалар Х.Азамов, Ю.Жўраев, Ш.Жўраев, Н.Ибрагимова, Р.Икрамов, А.Нигматов, М.Нажимов, Ж.Сафаров, Ж.Холмуминов, М.Усманов, Ш.Файзиев, Ю.Шодиметов⁵ ва шу каби бошқа ўзбек олимлари томонидан ўрганилган.

Экологик хавфсизлик муаммолари, барқарор глобал ва регионал ривожланишнинг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари Г.Абдуллаева, Н.Абдусамедов, С.Боголюбов, М.Бринчук, А.Голиченков, О.Дубовик, Д.Ёрматова, Т.Жўраев, О.Колбасов, И.Краснова, О.Крассов, С.Мамашокиров, В.Никишин, Ш.Пахрутдинов, В.Петров, Н.Жаворонкова, Э.Усмонов (ва бошқ.)⁶ тадқиқотларида ишлаб чиқилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети «Демократик давлат куриш назарияси ва амалиёти» кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда аҳоли ҳуқуқий ва экологик маданияти муаммолари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ва Россия қонун ҳужжатлари асосида фавқулодда экологик вазиятларда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва умумий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ва Россиянинг ҳуқуқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби миллий тизимларини давлат ҳокимияти институтларининг сиёсий ваколатлари ва инсон ҳуқуқлари доирасида таҳлил қилиш;

«фавқулодда вазият», «фавқулодда экологик вазият», «экологик офат», каби концептларнинг экспликациясини (ички моҳиятини) сиёсатшунослик нуқтаи назаридан тушунтириш;

фавқулодда экологик вазиятларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий сиёсий тузилмаларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ва Россиянинг тегишли давлат органлари фаолиятига сиёсий баҳо бериш;

⁵ Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган – Т.А.

⁶ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган – Т.А.

фавқулудда экологик вазиятлар шароитида атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларини бартараф этиш ва атроф-муҳитга дахлдор воқеалар ёки ўзгаришларга дучор бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларида, сиёсий фаолият доирасида, ҳудудий давлат органлари фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини табиий ва техноген характердаги фавқулудда экологик вазиятларни бартараф этишга доир давлат сиёсатининг сиёсий дискурси соҳасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини фавқулудда экологик вазиятларнинг юзага келиши ва бартараф этилишидаги давлат сиёсатининг сиёсий дискурси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-мантқиқий, контент анализ, ситуатив анализ, қиёсий, экстраполяция ва функционал каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“фавқулудда экологик вазият” категориясининг мазмуни фавқулудда юз берган табиий ёки техноген хавф оқибати эканлиги ва экологик хавфсизлик омили сифатида баҳоланиши орқали такомиллаштирилган;

фавқулудда экологик вазиятнинг олдини олиш ва бартараф этишда муаммонинг специфик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда вазият ечимига ситуатив ёндашувнинг эмпирик жиҳатлари очиб берилган;

Ўзбекистоннинг ўз миллий экологик сиёсатини самарали амалга оширишида Россия билан ҳамкорлиги ҳар тамонлама манфаатли эканлиги асослаб берилган;

давлатлараро ҳамкорликнинг «Стратегик шерикчилик» шартномаси доирасида экологик хавфсизликка оид сиёсий-ҳуқуқий тизимни ривожлантириш ҳамда уни амалга оширишнинг восита ва усулларини қамраб оладиган қўшма дастурларни ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фавқулудда экологик вазиятлар соҳасида давлат экологик сиёсатини амалга оширишда, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида, шунингдек, экологик сиёсат, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқни таълим муассасаларининг тегишли йўналишларида ўқитишда ушбу таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш мумкин;

диссертациядаги мавжуд илмий-назарий хулосалардан фавқулудда экологик вазиятлар соҳасидаги сиёсий муаммоларни ўрганиш бўйича келгусидаги илмий тадқиқотлар учун бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг Ўзбекистон ва Россиянинг қонунлари, ҳар икки давлат Президентларининг қарор ва фармонлари, шунингдек, ушбу давлатлар ҳукумат қарорлари, экология, экологик сиёсат, экологик хавфсизлик, экологик ҳуқуқ ва фавқулудда

вазиятларга доир мавжуд бўлган ўзбек ва рус олимларининг илмий ишларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – фавқулодда экологик вазиятларда давлат сиёсати ва экологик хавфсизликнинг назарий-концептуал асосларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон билан Россия ўртасида экологик хавфсизликни таъминлаш борасида шериклик ва ҳамкорликни амалга оширишга ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

қиёсий таҳлиллар асосида давлатлар ҳамкорлигида фавқулодда экологик вазиятларнинг олдини олиш, экологик вазият билан боғлиқ ижтимоий ва экологик муаммоларни бартараф этиш борасидаги таклиф ва тавсиялардан ИОТ-2016-1-15 “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1597-сон маълумотномаси). Натижада, диссертация материалларидан «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» дарслигини тайёрлашда назарий-методологик манба бўлиб хизмат қилган;

бугунги кунда инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган экологик муаммоларни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсий даражадаги қарорлар қабул қилишни талаб қилиши ҳамда экологик хавфсизлик, фавқулодда экологик вазият тушунчасининг такомиллаштирилган таърифига оид тадқиқот хулосалари олий таълим муассасаси бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” дарслиги мазмунига сингдирилган (№603-054). (Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш кўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-03/2-2759-сонли маълумотномаси). Натижада “Экология” фанини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишига хизмат қилган;

Ўзбекистон ва Россия миллий ва минтақавий манфаатларни таъминлаш, глобал экологик маконнинг барқарорлигига доир ўзаро сиёсий ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш зарурат эканлиги юзасидан берилган таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг бир қатор лойиҳалари, тадбирлари, конференциялари ва семинарларида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 3 апрелдаги 04/13/1811-сон маълумотномаси). Натижада, “Эко Патруль”, “Табиатни биргаликда ҳимоя қилайлик” лойиҳаларини амалга оширишда ҳисса қўшган;

фавқулодда экологик вазиятларнинг олдини олиш муаммоларига инновацион ва чизиқли бўлмаган “синергетик” ёндашувнинг афзалликлари Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий, ҳуқуқий ва экологик маданиятини юксалтириш борасидаги таклифлардан “Маҳалла” телеканалининг “Аслидек

асрайлик” ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий мавзудаги дастурий кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 24 мартдаги 01-17-293-сон маълумотномаси). Натижада аҳолининг фавқулодда экологик вазият бўйича сиёсий, ҳуқуқий ва экологик билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти янгилиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси тўғрисида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби **фавқулодда экологик вазиятларда давлат сиёсати сиёсий дискурсининг назарий-методологик асосларига** бағишланган.

Инсон ва жамиятни асраш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш катта аҳамият касб этади. Фавқулодда экологик вазиятлар борасидаги сиёсатни юритиш давлат органлари қонун чиқариш фаолияти маҳсули бўлган ҳамда доимо такомиллаштиришни талаб қилувчи ҳуқуқий меъёрлар ва нормаларни, сиёсий воситаларни қўллашга асосланади.

Қонунчиликни такомиллаштириш асосида давлат сиёсий дискурсини амалга ошириш бир вақтнинг ўзида йиғилган муаммолар борасида илмий-назарий тадқиқотни олиб боришни, сиёсий жараёнлар ва ҳуқуқий тартибга солиш амалиётининг янги ҳолатларини инобатга олиб, уларнинг мезонлари, элементлари, деталлари ҳамда характерловчи хусусиятларини ўрганишни ўз ичига қамраб олади.

Диссертацияда икки давлатнинг (Ўзбекистон ва Россия) қонунчилик сиёсати ва амалиёти ҳақида фикр юритилади, шунинг учун, биринчи навбатда, ушбу мамлакатлардаги фавқулодда экологик вазият концепциясининг мазмуни ва моҳиятини тавсифловчи асосий қоидаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб

ҳисобланди. Бунда экологик фавқулодда вазиятларнинг концептуал белгиларини ва уларга олиб келадиган сиёсий омилларни аниқлаш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, гапни Россия Федерациясининг сиёсий-ҳуқуқий фанида кенг қўлланувчи «экологик ноқулай ҳудудлар» тушунчасини ёритишдан бошласак. Мазкур илмий концепт пайдо бўлгандан бери, яъни ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб «фавқулодда экологик вазиятлар» ва «экологик офатлар», шунингдек, улар асосида яратилган «ҳудудлар» сиёсий-ҳуқуқий концепцияларининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу алфозда ушбу тушунчани ўзига хос принцип деса бўлади. Бироқ, айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистоннинг сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанларида «фавқулодда ноқулай ҳудудлар» тушунчаси кам учрайди. Ўзбекистон қонунчилиги ва илм-фан соҳасида «фавқулодда экологик вазият», «экологик инқироз», «экологик офатлар» ва ҳ.к. каби тушунчалар мавжуд⁷.

Юзага келган вазиятнинг кутилмаганлиги фавқулодда экологик вазият ҳарактеристикасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, уни экологик офат ҳудудининг таърифидан ажратиб туради. Россия Федерациясининг «Экологик офат зоналари тўғрисида»ги федерал қонунининг лойиҳаси «экологик офат зонаси» тушунчасини ўз ичига олган эди. Бунда экологик ва атроф-муҳит ифлосланиши даражасининг юқорилиги, аҳоли касалликлари ва (ёки) ўлим кўрсаткичининг ортиши, иқтисодий ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга узок салбий таъсири натижасида юзага келадиган табиий экологик омилларнинг бузилиши ва нобуд бўлиши билан боғлиқ ҳудуд тушунилади (1-модда)⁸. Бундан келиб чиқадики, тўсатдан содир бўлган табиий ҳодисалар (табиий офатлар) бирор-бир ҳудуднинг экологик офат зонаси деб белгиланиши ва эълон қилинишига сабаб бўла олади. Техноген офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва бошқа табиий (ёки техноген) офатлар келиб чиқишининг фавқулодда юзага келган факт сифатида тан олиниши Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддасига асосан амалга оширилади. Шунини таъкидлаш керакки, адабиётларда кенг тарқалган фикрга кўра, объект ёки ҳодисага расмий ҳуқуқий мақом берилиши учун, уни «эълон қилиш» жараёни асосида алоҳида мақомга эга бўлиши тушунчанинг асосий элементи ҳисобланади⁹.

Фавқулодда ҳодисаларнинг фавқулодда экологик вазият сифатида баҳоланиши учун одамлар ва моддий оламнинг элементлари зарар кўриши мумкин бўлган вазият, экологик зарар ва экологик хавфнинг мавжудлиги, яъни «табиий муҳитда барқарор салбий ўзгаришлар» (Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 39-моддаси) кузатилаётганлиги муҳимдир. Тўсатдан юзага келган вазиятнинг экологик ёки

⁷ Холмуминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили. -Монография. Ташкент:ТДЮУ, 2016.- Б. 344.

⁸ Каспрова Ю.А. Экологически неблагополучные территории: проблемы правовой дефиниции. //Сборник, Труды Института государства и права РАН. Статьи аспирантов и стажеров Института государства и права РАН. 2012. № 2. -Б.120.

⁹ Жураев Ю.А. Правовая охрана государственных памятников природы. - Ташкент, 1989. -Б.14.

ижтимоий оқибатларни юзага келтирадиган оқибатининг экологик характери, яъни зарар, даставвал, атроф муҳитга етказилганлиги фавқулодда вазиятни «экологик» деб баҳолаш учун асос бўла олади. Шу боис, мазкур тоифавий мезон «фавқулодда экологик вазиятлар» тушунчасининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 39-моддасидаги «фавқулодда экологик вазият» тушунчасининг таърифи такомиллаштирилиб, унинг фавқулодда юз берган табиий ёки техноген хавф оқибати эканлиги ва экологик хавфсизлик омили сифатида баҳоланиши лозимлиги мақсадга мувофиқдир.

«Фавқулодда экологик вазиятни» сиёсий-ҳуқуқий категория деб эътироф этилиши – «худуд деб эълон қилиниши» дея номланган мезоннинг мавжудлигига асосланган бўлиши керак. Шунга кўра, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларида назарда тутилган «фавқулодда вазият» атамасининг таърифида «худуд (минтақа) деб эълон қилиниши» каби элементнинг моҳиятига аниқлик киритиш масаласи очиқ қолмоқда. Бизнинг фикримизча, фавқулодда ҳодисадан зарар кўрган муайян худуднинг *фавқулодда вазият зонаси (худуди)* деб эълон қилиниши юқорида айтиб ўтилган сиёсий ва ҳуқуқий тоифалашнинг асосий элементи сифатида кўрилиши зарур.

Ўзбекистон ва Россиянинг «Аҳоли ва худудларни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларида «фавқулодда вазият» атамаси умумий тушунча сифатида ўрин олган, зеро унда «экологик» жиҳатга урғу берилмаган. Бу, бизнинг фикримизча, фавқулодда вазиятлар соҳасида «экологик» қонунчилик ривожланишидаги асосий ҳал қилинмаган муаммодир.

Атроф-муҳитнинг фалокат, табиий офат, техноген ва табиий ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган нохуш ҳолати, шунингдек, хўжалик ёки бошқа бир, фаолиятнинг узок муддат салбий таъсир этиши натижасида юзага келган хавфли экологик вазиятни (масалан Оролбўйидаги вазият) фавқулодда экологик вазият деб атаб бўлмайди. Таъкидлаш керакки, собиқ Совет тузуми даврида юритилган номақбул экологик сиёсат туфайли юзага келган Орол денгизи фожеасини, шунингдек, Оролбўйи худудидаги танқисликни фавқулодда экологик вазият деб бўлмайди. Орол фожиаси – экологик инқироз. У ўтган асрнинг 60-70 йилларда юритилган собиқ советлар давлатининг сиёсати оқибатидир. Чунки бундай вазиятларда фавқулоддалик омили мавжуд эмас. Фавқулодда экологик вазият, авваламбор, атроф-муҳит объектларига (ҳаво, сув, тупроқ, ҳайвонот олами ва ҳ.к) қаратилган бўлади, уларнинг хавфли ҳолати инсонлар саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солади ёки уларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлади.

Россия ва Ўзбекистоннинг фавқулодда экологик вазиятлар борасидаги сиёсати ва унга тааллуқли қонунчиликнинг замонавий ҳолати ҳамда ривожланишини қиёсий-сиёсий тадқиқоти ушбу ишимиз қонунчилик масалаларида қўлланиладиган унификациялаш, уйғунлаштириш,

имплементациялаш тамойилларига асосланади.¹⁰ Шубҳасиз, мазкур тадқиқот натижалари охир-оқибат тегишли қонун ҳужжатларини унификациялаш, уйғунлаштириш ва имплементациялаш ҳамда давлат экологик сиёсатини такомиллаштириш учун маълум даражада материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ бу айнан мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади деган маънони англатмайди. Айниқса, давлатлар суверенитети зўр бериб ривожлантирилаётган бир шароитда қонунчиликни унификация (бирлаштириш) қилиш масаласини кўтариш мутлоқ ноўрин бўлар эди. Бу ўринда, бизнинг вазифамиз – фавқулодда экологик вазиятлар соҳасидаги давлат сиёсатининг қонун ҳужжатлари базасини юқорида айтилган қиёсий сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик принциплари асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш деб ҳисоблаймиз. Сиёсий нуқтаи назардан фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисидаги қонунчилик моҳиятан бир, мазмунан изчил, давлат экологик сиёсатидаги асосий мақсадларга ўзаро боғланган бўлиши лозим. Инсонларнинг асосий ҳуқуқларига риоя қилиш, атроф-муҳитни ва саломатликни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар, экологик хавфсизлик соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик мажмуи хусусида сўз бормоқда. Шу билан бирга, қонун чиқарувчининг фавқулодда экологик вазиятлар ҳақидаги ҳуқуқий меъёрларни экологик хавфсизликнинг асосий тоифавий белгиси сифатида кўриб чиқиб, уларни мустақил институт сифатида ажратиб олишдаги фаолияти ушбу соҳадаги қонунчилик ривожининг концептуал асоси бўлиши керак.

Назаримизда, фавқулодда экологик вазиятлар қонунчилигини такомиллаштириш қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини талаб этади: фавқулодда экологик вазиятларда хавф-хатарни камайтиришнинг ҳуқуқий кафолат ва механизмларини қонунчилик даражасида яратиш, қонунлар ва қонуности ҳуқуқий ҳужжатларларнинг ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор берган ҳолда амалдаги қонунчиликнинг ички мутаносиблигини таъминлаш, янги қабул қилинажак «Фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисида»ги Қонун асосида келажакда экологик хавфсизлик бўйича қонунчилик учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган қонунчилик тизимини шакллантириш.

Экологик хавфсизликнинг асосий манбаи бўлган фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш қуйидаги учта концептуал ҳулосани қилиш имконини берди.

Биринчидан, биз Н.Г Жаворонкованинг фикрига кўшилган ҳолда, Ўзбекистонда Россия каби қонунчилик мураккаб муносабатларни тартибга солиш бобида тегишли ҳуқуқий нормаларни алоҳида институтларга жамлаш каби ўзига хослик касб этади. Шундай институтлар асосида тегишли ҳуқуқ тармоқларининг ривожланиши юз бермоқда. Тармоқлар мустақил, деб ҳисобланиши билан умумий объект (масалан, табиат ва унинг бойликлари) асосида комплекс (мураккаб) тармоққа бирлашиб, шу бирлашманинг ҳамда унга бирлашган тармоқларнинг ҳам яхлитланиши ва ривожланиши кузатилмоқда.

¹⁰Халмуминов Ж.Т. Экологическое законодательство Республики Узбекистан и международный опыт Европейского Союза. -Ташкент, 2009. -Б. 330.

Иккинчидан, фавқулодда экологик вазиятлар борасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар турли қонун ҳужжатларида акс этганлиги, уларни тизимлаштириш эҳтиёжи тобора кучайиб бораётганлиги, шунингдек экологик хавфсизлик ҳуқуқи базавий (таянч) қонунга муҳтож бўлганлиги сабаб махсус қонун қабул қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу қонун экологик хавфсизлик соҳасидаги миллий сиёсат асосини ва уни амалга оширувчиларнинг хулқ-атворини ифодалаши лозим.

Учинчидан, экологик хавфсизлик тўғрисидаги назарий ишланмаларни ривожлантириш, бунда сиёсат ва ҳуқуқни таъминлайдиган муносабатларга алоҳида эътибор бериш билан бирга, «экологик хавфсизлик» тушунчасига тўсатдан келиб чиқадиган фавқулодда вазиятларда атроф муҳитнинг хавфсиз ҳолатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими, деб қарашни илмий манбаларда мустаҳкамлаш лозим.

Шундай қилиб, фавқулодда экологик вазиятлар экологик хавфсизлик концепциясининг таянч омили деб ҳисобланади. Бунда экологик хавф, биринчи навбатда, атроф табиий муҳит (атмосфера ҳавосига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув манбалари ва ҳ.к.)га етказилади. Сўнгра заҳарланган (нобуд бўлган) атроф муҳит объектларидан инсонлар, уларнинг яшаш муҳити, мулки (бизнеси) зарар кўради. Бу хулоса қонунчилик ва сиёсатда ўз ифодасини топиши керак. Ҳозирчалик бу масала бўйича Россия ва Ўзбекистон қонунчилигида ҳам аниқ ечимлар йўқ. Демакки, сиёсатшуносликда ҳам «экологик хавфсизлик» тушунчаси биз таклиф этаётган тушунчадан анча йироқ. Мазкур ҳолат бу борада ҳали катта ҳажмдаги ишларни бажаришни тақозо этади.

Фавқулодда экологик вазиятлар ва уларни вужудга келтириш омилларининг концептуал тавсифлари орасида мазкур вазиятларнинг тавсифи алоҳида ўринга эга. Ҳозирги замон сиёсатшунослик адабиётларида фавқулодда экологик вазиятларнинг сиёсий тавсифи юзасидан ягона тасаввур мавжуд эмас. Бунинг сабабини икки хил маънода тушунтиришимиз мумкин: биринчиси – кўпчилик муаллифларнинг «фавқулодда экологик вазиятлар»ни оддий маънодаги «фавқулодда вазиятлар»дан фарқига эътибор бермаслиги ҳамда улар тўғрисида алоҳида қонунчиликнинг йўқлиги, шунга кўра, давлат сиёсати эндигина шакллантирилаётганидир; иккинчиси - фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисида ягона илмий тушунчанинг йўқлиги, қолаверса, бундай вазиятларнинг содир этилиши ҳодисаларини ҳозиргача бир қолипга солишнинг мураккаблигидир.

Диссертациянинг иккинчи бобида **Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида фавқулодда экологик вазиятларда атроф-муҳитдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш борасидаги давлат сиёсати ва қонунчиликнинг сиёсий дискурси** таҳлил қилинади.

Фавқулодда экологик вазиятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичи 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошига тўғри келади. «**Фавқулодда вазият**» тушунчаси илк бор «Атроф

муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»¹¹ги РСФСРнинг Қонуни орқали киритилган (1991 йил 19 декабрь), «фавқулодда экологик вазият» тушунчаси эса Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»¹²ги Қонунида мустаҳкамланган.

Россия қонунчилигида «экологик офат ҳудуди», «фавқулодда вазият», «фавқулодда ҳолат», «хавфсизликка таҳдид», «фалокат», «табиий офат», «экологик хавф», «экологик хавф зонаси» каби ўхшаш тушунчалар ишлатилади.

Таъкидлаш керакки, «экологик фавқулодда вазият» атроф-муҳит хавфсизлиги масаласига оид бўлиб, одатдаги атроф-муҳит муҳофазаси фаолиятидан фарқ қилади. Биринчи фарқ – бу воқеа кутилмаганда содир бўлишида ва табиий ёки техноген ҳалокат, деб баҳоланиши; иккинчиси эса – юзага келган нохушликлар атроф муҳитнинг ўзига таъсир этиб, улар инсонлар соғлиғи ва ҳаётига тезда билинадиган тарзда бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, фавқулодда ўта хавфли вазиятларда, экологик хавфсизлик омиллари, биринчи навбатда, атроф-муҳитга, кейин эса, аҳолига етказилган зарар даражасига қараб белгиланади.

Фавқулодда вазиятларда қонундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, «фавқулодда вазият қонунчилиги» асосларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада экологик фавқулодда ҳолатларда зарар кўрган жонли табиатни ва одамларни қутқариш, одамларнинг соғлиғини ҳимоялаш, уларни хавфсиз жойга кўчириш, эпидемия ёки касалликларни тарқатмаслик учун муайян чекловларни ва бошқа фавқулодда чораларни қўллаш каби тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади. Фавқулодда вазиятларда чора-тадбирлар ўта тезкорлик билан амалга оширилиши муҳим. Лозим бўлган хатти-ҳаракатларнинг тезлигида инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш устувордир. Бу масала айрим инсон ҳуқуқларини таъминлашдан ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабабли инсоннинг айрим ҳуқуқлари, масалан, айрим табиат объектларидан (сув, ўсимликлар дунёси) фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши ёки тўхтатилиши мумкин.

Экологик таҳдид ва унинг оқибатларини бартараф этишда бир қатор қоидаларга амал қилиниши зарур. Уларнинг сирасига одамларнинг саломатлигини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва ҳимоялаш, зарар етказилган ҳудудларнинг сифатини тиклаш ва соғломлаштириш, уларда соғлом ижтимоий ва экологик муҳитни сақлаб қолиш кабилар киради.

Сиёсий-ҳуқуқий жихатдан фавқулодда экологик муносабатларининг асосий субъектларидан бири инсон ҳисобланади. Фавқулодда экологик вазиятнинг салбий таъсирига дуч келган одам тўсатдан, ўз хоҳишидан қатъи назар, пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчисига айланади. У экологик вазият зонасининг махсус режими остига тушади. Шунинг учун фавқулодда экологик вазиятларда махсус режим зонасининг ўрнатилиши, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига бевосита таъсир қилади. Бундай «таъсир» қўлланилишидан мақсад – инсон ҳуқуқлари, унинг

¹¹ Ведомости СНД и ВС РФ. 1992. № 10. Ст. 457.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.

ҳаёти ва соғлиғи, моддий фаровонлиги ва экологик ҳуқуқларини таъминлашдир.

Сиёсий ва қонуний жиҳатдан фавқулодда экологик ҳодисани хал этиш масалалари, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг яшашини таъминлай олиш функциясини қўллаб-қувватлашга қаратилади. Демак, бу масалалар ечими инсоннинг табиий бўлган экологик ҳуқуқларига зид келиб қолиши мумкин, деб эътироф этилади. Бундан келиб чиқиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ва махсус режимга эга зонани ташкил этишнинг асосий масаласи – атроф табиий муҳит яроқлилиги ва сифатини тиклаш ҳамда инсонлар экологик ҳуқуқларини таъминлашдир.

Ўзбекистон ва Россия экологик қонунчилигида фавқулодда экологик вазиятлар пайдо бўлган шароитда одамларнинг (аҳолининг) ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида муайян ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Бирок, уларнинг тарқоқлиги, яъни битта махсус қонунда акс этмаганлиги, шундай қонунни яратиш ва қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, махсус қонунда фавқулодда экологик вазият шароитига тушиб қолган ёки экологик жиҳатдан яшашга ноқулай ҳудудларда яшаб келаётган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари борасида алоҳида қоидаларни акс эттириш лозим бўлади.

Амалдаги сиёсий ва ҳуқуқий илм соҳасида тадқиқотчилар фавқулодда вазиятлардан (авария, фалокат, табиий офатлар ва ҳ.к.) кейин атроф-муҳит объектларининг юзага келган ҳолат ва фавқулодда ҳодиса асосида эмас, балки узок муддатда рўй берган таъсир натижасида сифати ўзгарганлиги ҳолатини аниқ фарқлашмайди. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг сабаби «фавқулодда» экологик ҳолат ёки аввалдан мавжуд бўлган ноқулай экологик вазият бўлганлигини аниқлаб олиш керак. Табиийки, ўта хавфли вазият натижасида юзага келган атроф-муҳитнинг кескин ёмонлашуви инсоннинг экологик ва бошқа ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига сабаб бўлади. Ҳатто инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳам таҳдид остида қолиши мумкин.

Ўзбекистон ва Россия қонунлари асосида олиб борилган фавқулодда ҳолатларда экологик хавфсизлик борасидаги давлат сиёсатининг сиёсий дискурс таҳлили асосида хулоса қилиш мумкин-ки, алоҳида битта давлат томонидан экологик хавфсизликка кенг камровли таҳдидларни ёлғиз ўзи бартараф этиши мушкул масала. Табиий омиллар ёрдамида фавқулодда экологик ҳодисалар бир давлат ҳудудидан бошқа давлатлар ҳудудига тарқалиши мумкин.

